

Халқаро ислом академиясида «Қуръони Карим ва тажвидни ўрганиш» ўқув курсига рўйхатга олиш бошланди



18:30 / 12.08.2021 2256

Ўқув курсларига қабул қилиш тартиби:

– таълим олиш учун 18 ёшга тўлган ихтиёрий равишда таълим олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида қабул қилинади;

– таълим бериш хизмати пуллик бўлиб, ҳар бир тингловчи билан тузилган шартномага мувофиқ, тўловлар амалга оширилгандан сўнг ўқув курсларига қабул қилинади.

Рўйхатга олиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

- паспорт нусхаси;
- таълими ҳақидаги ҳужжат;
- маълумотнома (объективка).

Ҳужжат топшириш жараёнида ушбу ҳужжатларнинг асл нусхаси кўрсатилиши шарт.

Ўқув курси давомийлиги 3 ой.

Рўйхатга олиш ҳафтанинг Пайшанба ва Шанба кунлари соат 10:00 дан 15:00 га қадар (13:00-14:00 тушлик) Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректорат биноси вестибюлида амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

Мурожаат учун телефон: (71)-244-96-13.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Матбуот хизмати